Ушбу сонда:
2 ИШСИЗЛИК МУАММОСИ баъзи жойларда қоғоздагина ҳал этиляпти
3 ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ
4 ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК!

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 8 апрел, жума № 58 (1899)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида

***Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ва фидойилигига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб:***

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларга 20000 (йигирма минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

3. «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофотини топшириш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари вакиллари иштирокида тантанали равишда ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда юбилей медалларини топшириш ва пул мукофотларини тўлаш тартибини белгиласин, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 6 апрел

# АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯНГИ АСОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4-6 апрел кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди

***Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистон халқига Ҳиндистон ҳақида батафсил сўзлаб беришга зарурат йўқлигини таъкидлади. Бой тарих ва маданиятга эга бу мамлакатни кўпчилигимиз яхши биламиз. Лекин бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганда, ҳозирги Ҳиндистон ҳақида кўп яхши фикрлар айтиш мумкин. Мамлакат саноат ишлаб чиқариши, жалб қилинаётган хориж сармояси ҳажми жиҳатидан дунёдаги дастлабки ўнликка киради. Ядровий технологиялар ва коинотни забт этиш борасида ҳам энг илғор мамлакатлар сафида туради. Жаҳонда ахборот технологиялари йўналишида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ярмидан ортиғи Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келади.***

Дунёдаги энг кўп суғориладиган экин майдонига эга Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп асрлик анъаналари, замонавий ирригация технологияларининг ишга солиниши туфайли бир миллиарддан зиёд аҳолининг эҳтиёжини қондирибгина қолмай, катта миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ҳам қилади. Қулай сармоявий муҳит ва улкан бозор дунёнинг донгдор корпорацияларининг бу мамлакатга қизиқишини тобора оширмоқда. Биргина автомобилсозлик соҳасини олсак, Ford, Suzuki, Hyundai каби кўплаб машҳур компаниялар ўз маҳсулотини Ҳиндистонда ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган.

Сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 75 фоиздан ошгани, ўртаҳол аҳоли сони кўпаяётгани (ҳозир 400 миллиондан зиёд) мамлакат иқтисодиёти замонавий бозор талаблари асосида ривожланаётганидан далолатдир. Умуман, иқтисодий ўсиш суръати борасида Ҳиндистон дунёда энг юқори поғоналардан бирида туради.

Президент Ислом Каримов Деҳлидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг матбуот учун берган баёнотида Ҳиндистоннинг юксак салоҳияти ва катта нуфузига алоҳида тўхталди. Ўзбекистон бу мамлакат билан муносабатларни қадрлашини таъкидлади. Ташрифдан кўзланган мақсад эса дўстона алоқаларни янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан фикр алмашиш эди. Шундай бўлди ҳам.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмоҳан Сингх билан учрашувларида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича атрофлича фикр алмашди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўзаро манфаатли ҳамкорликни, айниқса, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларни янги поғонага кўтариши учун катта салоҳият ва имкониятга эга, бунга интилиш икки томонда ҳам кучли. Икки мамлакатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга нисбатан қарашлари муштарак. Бу амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим сиёсий асосдир.

Ислом Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шекхават билан учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Натвар Сингх, мудофаа вазири Пранаб Мукержи, савдо ва саноат вазири Камал Нат билан ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Музокараларнинг амалий натижаси ташриф давомида имзоланган 13 ҳужжатда ўз ифодасини топди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Ҳиндистон давлат савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида англашув протоколи, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси ҳамда Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистон давлат банки ҳамда Ҳиндистон экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик меморандумлари, «Ўзсаноатмашимпекс» давлат акционерлик ташқи савдо компанияси билан Ҳиндистоннинг «Компетент» компаниялари гуруҳи ўртасида Савдо уйи ташкил этиш тўғрисида меморандум, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Жавоҳарлаъл Неру университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти билан Мирзо Ғолиб институти ўртасида англашув меморандумлари имзоланди.

Бу ҳужжатларнинг ўзиёқ музокаралар нечоғли кенг қамровда ўтганини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисида битимлар илгари имзоланган. Энди эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид ҳукуматлараро битим ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълим соҳасининг юксак аҳамиятини инобатга олган ҳолда томонлар бу йўналишда ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқди ва олий ўқув юртларининг алоқаларига кенг йўл очиб берди. Жавоҳарлаъл Неру университети ва Мирзо Ғолиб институтининг нуфузи Ҳиндистондан ташқарида ҳам юқори.

Маданият соҳасида 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастур халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Мудофаа вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳужжат бугунги воқеълик нуқтаи назаридан қараганда ғоят долзарбдир. Юксак ҳарбий салоҳиятга эга Ҳиндистон билан бу борадаги алоқалар терроризмга қарши курашга доир ҳаракатларни мувофиқлаштиришда, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ўзаро тажриба ва ахборот алмашишда жуда муҳим ўрин тутади.

Президент Ислом Каримовнинг Ҳиндистон сафарига давлат ташрифи мақоми берилгани Ҳиндистон раҳбариятининг Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта иштиёқидан далолатдир. Ташриф асносида иқтисодий соҳага оид еттита ҳужжат қабул қилингани унинг нечоғли самарадор бўлганини ва қандай улкан аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Савдо-саноат палаталари, банклар, сайёҳлик компаниялари ўртасидаги муносабатларнинг расмийлаштирилгани савдо-иқтисодий алоқаларга янги суръат бахш этиши тайин. Ҳамкорликда ташкил этиладиган Савдо уйи ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 160 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида тузилган қирққа яқин қўшма корхона ҳамда Ҳиндистондаги 4 компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Деҳли музокараларида бу кўрсаткичларни ошириш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз Ҳиндистонга асосан рангли металлар ва улардан ясалган буюмларни, айрим хизмат турларини, полиз маҳсулотларини, ипак ва кимёвий толаларни экспорт қилади. Импорт эса қоғоз ва картон, дори-дармон, ускуна, органик ва кимёвий бирикмалар каби маҳсулотлардан иборат. Бу рўйхатларни анча кенгайтириш мумкин. Самолётсозлик, нефт кимёси, ўғит, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери ва ёғочни қайта ишлаш сингари соҳаларда ҳамкорлик кўламини ошириш имкониятлари кўп. Юқори технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари, шунингдек, тоғ-кон саноати борасидаги алоқаларни ҳам замон талабларига мос равишда ривожлантириш мумкин. Фан, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам долзарб аҳамиятга молик. Тарих ва фалсафа бўйича қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро алоқасини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳиндистон товарлари ва хизматларининг Марказий Осиё бўйлаб ёйилиши учун Ўзбекистонда қулай шароит мавжуд. Ўзбекистон эса ўз ташқи савдосини ривожлантиришда ўндан ортиқ йирик ва икки юзга яқин кичик бандаргоҳи бўлган Ҳиндистоннинг коммуникацияларидан янада кенг фойдаланиши мумкин.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги кўлами имкониятлар доирасига солинса, унчалик катта сегментни ташкил этмайди. Деҳли учрашувларида шу сегмент ҳажмини доира даражасига етказиш масалалари батафсил кўриб чиқилди ва муайян келишувларга эришилди.

Президент Ислом Каримов ташрифнинг учинчи куни «Ҳумоюн» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Бобур Мирзо асос солган салтанатни мерос олган Ҳумоюн Мирзо мақбараси - Деҳлидаги энг гўзал иншоотлардан. Айтишларича, мақбара учун жойни Ҳумоюннинг ўзи танлаган экан. Обида 1565 йилда, ўша кезлари меъморликни санъат даражасига кўтарган Мирза Ғиёс тарҳи асосида Ҳумоюн Мирзонинг рафиқаси Ҳамида Бегим раҳнамолигида бунёд этилган. Ҳиндистонда мақбаралар атрофини боғроғ билан безаш анъанаси айни шу мажмуадан бошланган.

Ислом Каримов «Ҳумоюн» мажмуи Бобурийлар даврининг етук меъморий обидаларидан эканлигини таъкидлади. Аждодларимизнинг ҳинд заминида қолдирган улкан мероси халқларимизнинг тарихий муштараклигидан далолатдир. «Тож Маҳал», «Ҳумоюн» каби обидалар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари учун бирдек қадрли ва азиз.

Деҳлидаги кўплаб биноларда «Тож Маҳал» ёки бошқа таниш атамаларни кўриш мумкин. Хусусан, Президентимиз учун ажратилган қароргоҳ ҳам «Тож Маҳал» деб номланган. Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимизнинг муштараклигидан, халқларимизнинг бир-бирига яқинлигидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов ташриф аввалида Маҳатма Ганди, сафар якунида Ҳумоюн Мирзо мақбараларини зиёрат қилгани азалий дўстлигимиз мустаҳкам эканлигига гўзал бир ишорадир. Анъанавий алоқаларимиз мустақиллик йилларида янгича асосда ривожланмоқда. Бундан манфаатдор эканлигини икки томон ҳам эътироф этади. Кўп асрлик ришталарга эга бўлган Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатлари бугун ўз тараққиётининг мутлақ янги даврига қадам қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга бу галги, яъни давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлигимиз тарихига ана шу даврнинг муҳим босқичи сифатида кириши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Тошкент-Деҳли-Тошкент**

## ИШ ЎРНИ ЗАҲИРАЛАРИ

***Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига мувофиқ жорий йилнинг биринчи ярмида Тошкент вилоятида 16 минг 300 янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Ўтган уч ой давомида унинг ярми - саккиз минг юзтаси ташкил этилди.***

- Аёлларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, - дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Турсунмат Холбоев. -2005-2007 йилларга мўлжалланган махсус дастурга мувофиқ қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари яхши натижа беряпти. Натижада уч мингдан зиёд хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди. Юздан ортиқ киши қайта ўқитилиб, малака оширишга, эллик нафари эса турли жамоат ишларига жалб этилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун вилоят корхона ва ташкилотларида иш ўрни захиралари яратиш ҳам доимий эътиборда. Йил бошидан буён бир ярим минг киши, жумладан уч юздан ортиқ кўп болали оила ана шундай иш жойлари ҳисобидан ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуллана бошлади.

Янги иш ўринлари яратиш эса муттасил рағбатлантириб борилмоқда. Хусусан, кичик бизнес вахусусий тадбиркорлик субъектларига иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган имтиёзли кредитлар миқдори 11О миллион сўмдан ошди.

## ОЛИЙ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

***Бешариқ туманидаги «Бештекс» Ўзбекистон-Германия-Туркия қўшма корхонасида тайёрланаётган олий сифатли калаваларнинг талабгорлари кундан-кунга кўпаймоқда. Буюртмалар асосан хориждан тушяпти.***

- Корхонамиз Германиянинг энг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозлангани юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлмоқда, - дейди бош муҳандис Рустамжон Пўлатов. - Шу боис маҳсулотларимиз асосан Европа мамлакатларига экспорт қилиняпти. Ўтган йили Туркия ва Португалияга бир миллион 885 минг килограммдан ортиқ калава етказиб бердик.

«Бештекс» қўшма корхонасида тўрт юздан зиёд киши меҳнат қилади. Уларнинг саксон фоизи хотин-қизлар.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 6,5 тоннага яқин калава ишлаб чиқарилди. «Бештекс» тамғаси босилган маҳсулотлар жаҳон бозорини забт этмоқда.

## ЭНГ ЯХШИ ТУҲФА

Қанликўл тумани марказида саноат-транспорт коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Саккиз юз эллик ўқувчи замонавий таълим дастури асосида таҳсил олиши учун барча қулайликларга эга мазкур бинони «Ёнбошқалъасувқурилиши» бошқармаси қурувчилари бунёд этди.

Янги коллеж ўқув биноси, шунингдек, 400 ўринли мажлислар зали, 540 квадрат метрлик спорт зали, 250 ўринли ошхона ва зарур ускуналар билан жиҳозланган ўқув устахонасига эга. Қурувчилар юз ўринли ётоқхонани бунёд этишга киришди.

**(ЎзА)**



Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги "Бекажон" кичик корхонасида тажрибали, ўз ишининг чинакам устаси бўлган хотин-қизлар меҳнат қилишади. Ишловчиларга қулай шароитлар яратилганлиги, меҳнат муносиб равишда рағбатлантирилаётганлиги сабабли ютуқлар салмоғи ошиб бормоқда. Бу ерда тайёрланаётган юқори сифатли, бежирим маҳсулотлар харидорга манзур бўлмоқда.

***Суратда: корхона чеварлари тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.***

**М. КАРИМОВ** олган сурат

*Қарор ижросига бефарқлик*

# КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТДИ, БЎЛДИМИ?

***Маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят вакиллигининг конференцияси таассуротлари делегатлар ёдида. Анжуманга тайёргарлик даврида барча ҳаракатда бўлди. Тармоқ тасарруфидаги 80 та бошланғич ташкилотга етакчи Равшаной Жўрабоева имзоси билан ҳисобот йиғилишларини уюшқоқлик, ўзаро талабчанлик руҳида ўтказишга чорловчи шошилинчномалар кетма-кет юборилар, ўз навбатида вакиллик номига жойлардан ахборотлар, маълумотномалар келарди. Бошланғич ташкилотлар ҳисобот-сайлов йиғилишларида ишловчилар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада яхшилаш, жанговарликни кучайтириш, қарорлар ижросини таъминлаш ҳақида даъватлар янгради.***

Маданият ходимлари касаба уюшмаларининг юқорида қайд этилган конференцияси ташкилий жиҳатдан анчайин яхши ўтди. Ҳисобот маърузасида таъкидланганидек 67 та жамоа шартномаси доимий ҳаракатда бўлиб, қарийб 5 мингга яқин меҳнаткашнинг манфаати кафолатланди. Бироқ, делегатларни ўйлантираётган, кўнгил тўлмаётган жойлар кўп эди. Масалан, ҳисобот даврида борйўғи 268 нафар маданият ходими дам олдирилди холос. Ишловчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам кутилганидек эмасди. Ҳисобот маърузасидан сўнг умумий гаплар, қоғозбозлик ва даъватлар кўпу амалий ишлар билан мақтана олмасликлари яққол сезилди. Шунингдек, тармоқдаги ёлланма ишчиларнинг меҳнат, турмуш, маиший шароитларини яхшилашни келишув, битим ва жамоа шартномалари орқали ҳимоялаш конференция қарорларига махсус банд сифатида киритилди.

Анжуман 2004 йил 24 ноябрда бўлиб ўтди. Хўш, бугун конференцияда қабул қилинган қарорларнинг ижроси таъминланяптими? Ҳисобот-сайловлар давридаги ишчанлик бошланғич ташкилотларда давом этаяптими, тизимда ислоҳотлар қандай кечмоқда? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Қорасув шаҳар маданият ва спорт ишлари касаба уюшмасида бўлдик. Етакчи Мубораксон Қодирова билан суҳбатимиз тармоқ вилоят вакиллигининг конференцияси қарорлари ижроси ҳақида борди. Ғоятда ажаблантирган нарса шу бўлдики, раис делегат бўла туриб, конференция қарорларидан бехабар экан. Етакчининг ҳужжатлари орасида қарор матнининг ўзи йўқ эди. Маълум бўлишича, конференция қарори ушбу касаба уюшмасига етиб келмаган экан.

50 нафар аъзо фаолият юритаётган ташкилотда ишлар ўлда-жўлда. Бу 2004 йил учун қабул қилинган тадбирларнинг қоғозда қолганлигида ҳам кўриниб турарди. Юқорида спорт соғломлаштириш тадбирларини кенгайтириш конференция қарорлари билан назорат қилинаётганлигини айтгандик. Аммо бу ердаги фаолиятдан қониқиш ҳосил қилиш қийин.

Шу ҳақда гап очишимиз билан суҳбатдошимиз "спорт-соғломлаштириш ишлари" деб ёзилган жилдни тақдим этди. Унда 2004 йил июл ойида маданият ходимлари номидан вилоят спорт мусобақаларида иштирок этган 10 нафар спортчи рўйхатидан бошқа ҳеч вақо йўқ. М. Қодирова мулоқот чоғида ходимлар ўртасида волейбол, шахмат-шашка бўйича 6 та тўгарак ишлаётганидан бохабар қилмоқчи бўлди. Аммо кейинги йиллар ичида давлат дастурлари юзасидан ходимлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари, уларнинг расмийлаштирилиши ҳақидаги саволларимиз, афсуски, жавобсиз қолди. Жорий йилнинг биринчи чораги ўтган бўлишига қарамай, биронта ҳам эътиборга молик спорт мусобақалари, маданий, маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилмаган. Ҳолбуки, 2004 йилда вилоят ҳокимлигининг меҳнат жамоаларида спорт мусобақаларини узлуксиз ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганди. Бу борада касаба уюшмалари намуна бўлишлари керак-ку...

Тармоқ ходимлари фарзандларини соғломлаштиришга оид конференция қарори ҳам изсиз қолаётир. Смета харажатларида ана шу муҳим тадбир умуман эътиборга олинмаган. Қодирова кейинги уч-тўрт йил ичида маданият ходимларининг биронта ҳам фарзанди оромгоҳларга жалб этилмаганлигини тан олди. Нуфузли жамоат ташкилоти етакчисининг иш режаси йўқлиги янада ажабланарли.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг бажарилиши конференция қарори билан назоратга олингани делегатларга маълум қилинганди. Афсуски, бу йўналишда ҳам ҳеч қандай иш қилинмаган. Касаба уюшма ихтиёридаги мусиқа мактабида 9 нафар ходим меҳнат қиляпти. Улардан 4 нафари бола парваришлаш таътилида. Конференцияда, ўзаро суҳбатларда аёлларга эътибор, уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида урғу бериб гапирилса-да, бироқ юқорида таъкидланган бола парваришидаги оналар нафақаларини феврал ойидан буён ололмай келишаётгани негадир ҳеч кимни ташвишлантирмаяпти.

Мана бу мисол ҳам ўзибўларчилик, расмиятчилик илдиз отганлигидан далолат эмасми. 2005 йил 3 март куни ўтказилган касабақўм йиғилишида ходим Шоҳидахон Худойбердиеванинг уй-жой шароитини яхшилаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Шунда шаҳар ҳокимлигига ходимага уй-жой қуриш учун томорқа ер ажратилишини сўраб мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Таажжубки, қарор шу кунгача ҳокимликка топширилмаган. Бу нима, конференция ўтди, тамом-вассалом, буёғи бемалолчилик деганими? Уч норасиданинг онаси ва бошқалар касаба уюшма етакчилари ва фаолларидан ваъда эмас, амалий ҳаракатлар кутишаётганини унутмасликлари керак.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**





Тадбир

# МУРУВВАТДАН КЎНГИЛ МУНАВВАР

Меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш халқимизга хос фазилат. Айниқса, азалий айёмларимиздан ҳисобланган Наврўзи олам муносабати билан бундай хайрли ишлар ўзига хос маъно ва мазмун касб этади.

Кўнгли ярим инсонлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган, ёлғиз оилалар, ногиронлар, меҳрибонлик ва мурувват уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг доимий диққат марказида. Ушбу эзгу ишларни Сиҳат-саломатлик йилида ҳам давом эттириб, куни кеча яна бир хайрли тадбир ўтказилди. Федерация ва Курортлар бошқармаси томонидан Гулистон туманидаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 70-санаторий мактаб-интернатида тарбияланаётган 251 нафар ўғил-қизга 5 миллион сўмлик спорт кийимлари, пойафзал ҳадя этилди. Болажонларнинг дарсдан бўш вақтларида мазмунли дам олишлари учун Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши рангли телевизор топширди.

– Бугун болаларга кўрсатилган меҳр-муҳаббат эртага албатта ўз мевасини беради, - деди Федерация Кенгаши бўлим мудири А.Султонов.- Муҳими, касаба уюшмалари томонидан болажонларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан ўғил-қизларнинг кўнгиллари қувончга тўлди.

– Бугунги тадбир нафақат ўқувчиларимиз, балки биз ўқитувчи ва тарбиячиларни ҳам тўлқинлантириб юборди, – дейди халқ таълими аълочиси Норбой Сулаймонов.

Кези келганда, айтиб ўтиш зарурки, тарбияланувчилар орасида ота-онасиз, ногирон ўқувчилар ҳам бор. Уларга кўрсатилган меҳр албатта бесамар қолмас.

Шу куни 251 нафар ўғил-қиз кўнгли меҳр-мурувват нури ила ёришди. Буни бошланғич синф ўқувчиси Моҳиранинг болаларча самимий сўзларидан ҳам англаш мумкин:

– Менга жуда ҳам чиройли, кўркам спорт формасини совға қилишди. Бунақаси ҳеч кимда йўқ. Энди мазза қилиб спорт билан шуғулланаман.

Йиғилганлар номидан мазкур мактаб-интернатнинг энг жонкуяр ва фидойи ўқитувчиларидан Ҳурсаной Қипчоқова, фахрий устозлар Тўхтахон Пирназарова, Дилбар Хайитовалар болажонларнинг билимли, доно ва соғлом инсонлар бўлиб улғайишлари йўлида бор имкониятларини ишга солишларини билдирдилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби**

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

# ИЛҒОР ПУДРАТЧИГА ТЕЛЕВИЗОР

***Ҳар доимгидек сурхонлик пахтакорлар бу йил ҳам мамлакатимизда биринчилардан бўлиб экин-текин юмушларини бошлаб юбордилар.***

Шеробод туманидаги У.Тўропов номли ширкат хўжалигининг 175 та оилавий пудратчилари 1100 гектар майдонга чигит қадашга киришдилар. Механизатор Соат Бобоқулов, Абдусамад Тилавов, Фарҳод Абдуллаев, Абдулҳамид Абдурасуловлар, пудратчи Турди Нормуродов, Самад Раҳмонов, Ҳасан Раҳимовларнинг далаларида, айниқса, иш қизғин.

– Бу йил хўжалигимизда чигит экиш тадбирига пухта тараддуд кўрилди. Аввало ерни шудгорлаб, сўнг бороналаб, эгат олиб, суғориш ишлари ниҳоясига етказилди. Илғорларни рағбатлантириш мақсадида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан мукофотлар таъсис этилгани айни муддао бўлди. Чигит экиш ишларида фаол қатнашиб, биринчи ўринни олган оилавий пудратчига телевизор, ишчиларга 10 минг сўм, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган пудратчиларга полос, гиламлар совға тариқасида берилади. Энг кўп ер майдонига чигит қадаган механизаторларга бир бош қўй ва пул мукофотлари топширилади. Айни дамларда чигит экиш ишлари олиб борилаётган дала бошида бепул иссиқ овқат ташкиллаштирилган. Ишчи ва механизаторларнинг дам олиш вақтлари мазмунли ўтиши учун барча шароитлар яратилган, – дейди хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Фахриддин Остонақулов.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

Хабарлар оқимидан

## СУЮНЧИ

Навбаҳор тумани Давлат санитария эпидемиология назорат маркази бошланғич касаба уюшма қўмитаси томонидан жамоа аҳлини ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Янги йилда барчага байрам совғалари топширилди. 8-Март куни жамоада меҳнат қилаётган 28 нафар хотин-қиз пул мукофоти олишди. Наврўз тантанаси ҳам эсда қолди. 21 нафар ишчи-ходим рағбатлантирилди. Тиббиёт ходимлари касб байрамида 15 нафар киши фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. 13 нафар ходимнинг тўйига чиройли гиламлар туҳфа қилинди. Меҳнат туфайли жамоада кўпчиликнинг меҳрини қозонган ходим З. Каримованинг ойлик маошига 50 фоиз устама ҳақ тўлаш йўлга қўйилди. Ходимлардан Акром Файзиев ва Боймамат Файзиевааларга "Косонсой" санаторийсига йўлланма берилди.

## УЛАР КАСБ БАЙРАМИДА РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Боёвут туманидаги "150-Автокорхона" масъулияти чекланган жамият аҳолига намунали хизмат кўрсатаётир. Бу ерда 76 турдаги транспортлар мавжуд бўлиб, 115 нафар жамоа аҳли транспорт хизматини бекаму, кўст адо этаётир. Ташкилот раҳбари Неъмат Жўраев ишни яхшилаш йўлида сидқидилдан ҳаракат қилмоқда. Унинг касабақўм билан ҳамкорлиги ижобий натижа беряпти. 21 нафар оилавий шароити оғир кишиларга 345 минг 820 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 5 та боқувчисини йўқотган оилага 67 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 2 азадор оилага ёрдам пули берилди. Бошқа мурувватлар учун 225 минг 526 сўм ажратилди. Масалан, "Таэквандо" клуби, "Ташаббус" кўрик танлови, "Маҳалла" хайрия жамғармаси қўллаб-қувватлашди. 36- ва 15-мактаблар таъмири учун бўёқ, оҳак ва бошқа нарсалардан ёрдам кўрсатилди. Иситиш коммуникацияси таъмирига ҳам кўмаклашилди. Касб байрами куни ишчиларга совғалар улашилди. Ходимлардан 5 нафари рағбатлантирилди. Наврўз кунлари кам таъминланган 13 нафар киши озиқ-овқат маҳсулотларини олишди.

**Азиза ИСКАНДАРЗОДА,**
**журналист**

## ХАЛҚАРО СИФАТ СЕРТИФИКАТИ

"Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамияти сифатли маҳсулотлари билан дунёга танилган корхона сифатида тилга тушди. Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми тобора ўсиб бориши билан бир қаторда экпорт салоҳияти ҳам йил сайин ортиб бормоқда. 2004 йилда корхонада 2 млн. 325 минг тоннага яқин цемент ишлаб чиқарилди.

Бу бутун республикада ишлаб чиқарилган цементнинг 48 фоизини ташкил этади. Ишлаб чиқарилган цементнинг 34 фоизи экспорт қилинганлиги маҳсулот сифати юқори эканлигининг далолатидир.

RWTUV халқаро ташкилоти "Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган цементнинг сифатига юксак баҳо берди ва халқаро сифат сертификати билан тақдирлади.

— Бу муваффақиятга эришишимизда халқаро стандарт талаблари асосида корхонада сифат менежменти тизимини тадбиқ этилганлиги катта ёрдам берди,— деди корхона бош инженери Б. Ражабов.

**"Туркистон-пресс"**

Меҳнат муҳофазаси

***Ушбу бахтсиз ҳодиса юз бермаслиги, икки нафар инсон ҳаётдан бевақт кетмаслиги, болалари етим қолмаслиги мумкин эди. Афсуски, бунга айрим раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятсизлиги, ўз вазифаларига совуққонлиги, меҳнат ҳақидаги қонунларни билмаслиги сабаб бўлди.***

# ИССИҚХОНАДАГИ КЎНГИЛСИЗЛИК

Ўшанда айни қирчиллама қиш кунлари эди. Косонсой тумани «Косонсой» ширкат хўжалиги билан Қибрай тумани «Агроширкат» масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, иккинчи тараф томонидан ижарага олинган иссиқхонада иш қизғин давом этарди. Сабаби, ушбу иссиқхона анча йиллардан бери вилоят маркази аҳолисини қиш фаслида сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаб келарди.

Қиш-қишда, баъзан кутилмаган ҳолатлар бўлиб, бунинг оқибатида иссиқхонадаги экинлар нобуд бўлиши каттагина миқдорда зарар келтирар эди. Бинобарин, ана шундай ҳолатлар такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида қозонхонанинг олдинги қисмига айвон қурилиб, иссиқхонага иссиқ сув ишлаб чиқариш учун мўлжалланган мослама ҳамда ёқилғи учун зарур мазутни заҳира қилиб сақлашга мўлжалланган сиғимлар бунёд этилди. Шунингдек, сиғимлар устига чиқиб-тушиш учун темир нарвон ҳам ўрнатилди.

Фожеа содир бўлган куни ишчилардан Абдумалик Жумабоев ва Ботир Ҳакимовлар қозонхонада навбатчилик қилишарди. Ишчилар иш билан банд эди. Абдумалик қарасаки, босим тушиб кетяпти, қозонхона негадир белгиланган ҳароратни етказиб бермаяпти. Шу боисдан ўзи сингари навбатчилик қилаётган Б.Ҳакимов билан Ф.Солиевларга ушбу хабарни етказди. Табиийки, ҳар икки йигит ҳаракатга тушиб қолишди ва мазут етарли даражада кетмаётганлигини аниқлашди ҳамда мурватнинг ички қисмида тиқилиш ҳосил бўлган, деган тўхтамга келинди.

Бу ҳам етмагандек, шу маҳал электр ҳам ўчиб қолди.Ж.Йўлдошев қозонхонадаги заҳира тармоқни ишга тушириб, муаммони бартараф этди. Ўт ёқувчи А.Жумабоев эса сиғимдаги мазут ўтказувчи мурват қисмларини бўшатиб, тозалаб қайта йиғиш ишларини амалга ошириш ўрнига сиғим ичидаги қувурни тозалашни ўйлади ва нарвондан кўтарилиб технологик люк орқали унинг ичига тушди. Сиғим ичида эса тизза баробарида мазут бор эди. Ҳолбуки, мазут суюқ ҳолга келиши учун сиғим ташқарисидан очиқ олов ёрдамида иситилганлиги боис бу ерда заҳарли газ тўпланиб қолганлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Табиийки, йигитнинг нафаси қайта бошлаган. Ёрдам сўраб қичқирган. Унинг овозини эшитган Б.Ҳакимов тезлик билан нарвондан кўтарилиб ўзини сиғим ичига урган. Афсуски, у ҳам ҳамкасби ҳолатига тушиб қолган.

Албатта, Ф.Солиев, Ж.Йўлдошев ва З.Қосимовлар эса сиғим тепасига кўтарилишиб, ичкаридан ишчиларни чиқариб олиш ҳаракатини қилишган. Аммо кўмак бериш учун сиғим ичига тушган Ж.Йўлдошев ҳам заҳарли газ таъсирида ҳушидан кетган эди. Тепадагилар Ж.Йўлдошевни чиқариб сунъий нафас олдириш ҳаракатига тушган ва тегишли идораларга хабар беришган. Ёрдамга етиб келганлар кўмагида сиғим ичкарисида қолган А.Жумабоев ва Б.Ҳакимовлар чиқариб олинганида уларнинг аллақачон ҳаётдан кўз юмганликлари маълум бўлди.

Суд-тиббий экспертиза тўхтами бўйича марҳумларнинг газдан ўткир заҳарланиш туфайли ҳалок бўлганликлари аниқланди...

– Ушбу ҳолатни ўрганиб чиққан махсус комиссия хулосасига кўра, – дейди вилоят меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бош бошқармаси бош меҳнат техника йўриқчиси Аҳмаджон Йўлдошев. – «Агроширкат» масъулияти чекланган жамиятида иссиқхона ва унга ёрдамчи инженерлик ва технологик иншоотлари ҳамда қурилмаларни ишлатиш жараёнида қатор камчиликларга йўл қўйилган. Энг катта хатолик эса соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити ташкил этилмаганлигидир. Чунончи, махсус Низом ишлаб чиқилмаган ва тегишли тармоқ ходимлари белгиланган тартибда ўқитилиб, билими синовдан ўтказилмаган. Меҳнат жараёнида хавфсизлик талабларини ҳеч ким назорат қилмаган. Шу соҳада йўриқномалар ишлаб чиқилмаган. Ходимлар билан меҳнат шартномалари тузилмаган, ишловчилар вақти-вақти билан ҳам хавфсизлик синовларидан ўтказиб турилмаган.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Гиёҳвандлик — аср вабоси

# БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМА

Хоразм вилоятида гиёҳвандликка оид жиноятларнинг олдини олишга қаратилган муайян ишлар амалга ошириляпти. Олиб борилган кенг кўламли ташвиқот ва тарғибот, профилактика тадбирлари туфайли наркотик моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатлар сезиларли даражада камайди.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан Хоразм телевидениесида «Умр баҳоси» деб номланган кўрсатув тайёрланиб, намойиш қилинди. Унда ёшлар ўртасида учраётган гиёҳвандлик иллатининг оғир оқибатлари фош қилиниб, йигит-қизлар оламга уйғоқ кўз билан боқишга, ҳаёт деб аталмиш бабаҳо неъматнинг қадрига етишга даъват этилади. Кўрсатувдан нусхалар кўпайтирилиб, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, корхона, ташкилот, муассасаларга тарқатилди. Хонқа туман прокуратураси «Гиёҳвандликка қарши ёшлар клуби» ташкил этган бўлса, «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг Урганч шаҳар кенгаши ҳузурида «Ёшлар ҳуқуқий маркази» фаолият кўрсатмоқда.

Балоғатга етмаган ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи ташкилот ва комиссиялар, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар ва туман кенгашлари ҳуқуқ тартибот идоралари билан ҳамкорликда йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун ҳар хил қизиқарли кеча ва тадбирлар ўтказилмоқда. Қўшкўпир туман прокуратураси ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш мақсадида «Ҳуқуқ ва ёшлар» деб номланган семинар уюштирди. «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз ҳуқуқни биласизми?», «Огоҳлик – давр талаби», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуларида кўрик-танловлар ва мулоқотлар ўтказиш одат тусига кирган.

Таркибида гиёҳвандлик моддалари бор ўсимликларни эккан шахсларни аниқлаш учун «Қорадори-2004» ва «Қорадори-2005» тадбирлари ўтказилганда 13 та ноқонуний экинларни ўстириш ҳолатлари аниқланди. 76 квадрат метр майдондаги кўкнори ва 34 квадрат метр ердаги кандир ўсимлиги йўқ қилинди.

Шунга қарамасдан Хива, Гурлан, Ҳазорасп туманларида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар кўпайганлиги таассуфланарлидир. Ачинарли томони наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва унинг ғайриқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар хотин-қизлар ва ўсмирлар ўртасида кўплаб учрамоқда.

Ҳазорасп тумани Н.Машарипов кўчаси 70-уйда яшовчи, 1984 йилда туғилган Ихтиёр Ортиқов бошқарувидаги «Тико» русумли автомобил текширилди. Ундаги йўловчилар шу манзилда яшовчи 1980 йилда туғилган Онажон Ортиқова ва Урганч шаҳар Тулпор кўчаси 2-йўлак, 3-уйда истиқомат қилувчи, 1982 йилда туғилган Барно Норматовалар ёнидан 1 килограмм 666 грамм героин моддаси топилган. Урганч шаҳридаги мактаблардан бирининг 11 синф ўқувчиси 13,2 грамм героинни 135 минг сўмга сотаётганда ушланди. Яқинда эса бир оиланинг 6 нафар аъзоси наркобизнес билан шуғулланганлиги учун қўлга олинди.

Ҳа, гиёҳвандлик - аср балоси. Уни ҳаётимиздан юлиб ташлаш давр талабидир. Бунинг учун саъй-ҳаракатлар ҳам шунга яраша бўлиши керак. Афсуски, Урганч ва Боғотдаги диспансерлар ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Уларда гиёҳвандлар ва ичкиликбозларни даволаш учун етарли дори-дармонлар йўқ.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

## баъзи жойларда қоғоздагина ҳал этиляпти

***Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бозор шароитидаги муҳим вазифалардандир. Бу масъулиятли юмуш Сирдарёда қандай ҳал этилаётир. Хусусан, ишсизликни бартараф этишга қаратилган ёндошувдан кўнгил тўлаяптими?***

Меҳнат бўлимларига ўтган йили 12 минг 947 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этган. Уларнинг 77,5 фоизи ишга жойлаштирилган. Қолганларига ишсизлик мақоми берилиб, нафақа тайинланган. Ишга жойлаштириш шарти билан тузилган шартномаларга асосан касб ўқувига йўналтирилган, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган ҳамда пенсия ёши арафасида иш ўрни қисқарган фуқароларнинг умумий сони 5 минг 200 нафар кишидан ошади. Вилоятда янги иш ўринлари барпо этиш борасида ҳам силжишлар бор. Чунончи, 2004 йили 19 минг 10 та янги иш жойи ташкил этилган. Эътиборли жиҳати, яратилган иш ўринларининг 84 фоиздан ошиғи тадбиркорлик ривожи ҳисобига тўғри келаяпти.

Долзарб масалани ҳал этишга вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бош бошқармаси муносиб улуш қўшаяпти. Бошқарма иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан берилган 287,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига 865 та иш ўрни ташкил қилди. Кўрсаткичлар янада яхшироқ бўлиши мумкин эди. Аммо, қатор режаларнинг чиппакка чиқиши салбий таъсирини ўтказди. Ўтган йили Гулистон шаҳридаги томат ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Сириус-Пресс" қўшма корхонаси, Ширин шаҳридаги "Севиль" масъулияти чекланган жамият, Бахт шаҳридаги касб-ҳунар коллежи ўз вақтида ишга туширилмади. Оқибатда ҳудудий дастурда назарда тутилган 110 та янги иш ўрни яратилмасдан қолди. Боз устига, аниқ мақсад сари йўналтирилган маблағга эга бўлиш учун минг мақомга йўрғалаганлар ҳам панд бердилар. Шулардан бири Янгиер шаҳридаги "Агросаноат" савдо ишлаб-чиқариш корхонасидир. Бу ташкилот ваъдани қуюқ қилиб 42 та янги иш жойи яратиш учун "Бандлик" жамғармаси маблағлари ҳисобидан 40 миллион сўм кредит олган эди. Аммо устамон мутасаддилар давлат маблағининг бир қисмини бошқа мақсадга сарфлаб, талон-тарожга йўл қўйишган. Боз устига 20 миллиондан ошиқ муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келган.

Фуқароларга мақбул иш таклиф этишнинг самарали усули меҳнат бозорлари уюштиришдир. Таассуфки, ана шу оммабоп, муҳим аҳамият касб этувчи бўш иш ўринлари ярмаркаси самарадорлиги сезилмаяпти. Бошқарма тахминий режасига кўра ўтган йили 52 маротаба меҳнат ярмаркаси ташкил этиш кўзда тутилганди. Аммо тадбир сони 18 тадан ошмади. Қатор туманлар турли важларни рўкач қилиб меҳнат ярмаркаси ташкил этишдан бўйин товлашди. Ўрни келганида шу хусусда батафсилроқ тўхталиб ўтсак.

Мирзаобод ва Оқолтин туманларининг шароити қарийб бир хил. Аҳолиси, юксалиш даражаси, ҳатто саноатининг ривожи ўхшаш. Мирзаободда бир неча бор меҳнат бозори уюштирилди. Яқинда ҳам меҳнат бўлими, туман прокуратураси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда 37 та ташкилот 97 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ташкилотчилар Гулистон шаҳридан ҳам 7 та корхонани жалб этиб, 47 та бўш иш ўрни заҳирасини яратди. Шу куни ҳудуддаги 38 нафар фуқаро муқим иш жойига эга бўлди. 115 кишига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 10 нафар қишлоқ қизлари Гулистон шаҳридаги "Моҳира" ўқув-ишлаб чиқариш марказига йўлланма олди. Тадбирда юзлаб мирзаободликлар "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун хусусида билимларини оширишга эришдилар.

Хўш, Оқолтиндачи? Неча йилдирки, бу соҳада хотиржамлик. Ўтган йили ҳам туман меҳнат бўлими томонидан 2 маротаба меҳнат ярмаркаси ўтказиш тахминий режаси ишлаб чиқилганди. Аммо, тадбир ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмай қоғозда қолиб кетди. Бўлмаса Оқолтинда иш ахтараётганлар оз эмас. Меҳнат бўлимида қайд этилишича, улар 5500 нафарни ташкил этади. Шундан иш сўрагани ўтган йили 811 нафар бўлиб, 614 нафарининг илтимоси қондирилган. 197 фуқарога ишсизлик мақоми берилиб, 124 кишига нафақа тайинланган. 16 одам касбга тайёрлаш ва қайта ўқитишга жўнатилган. Ажабланарлиси, уларнинг барчаси вояга етмаган ёшлар эканлигидир... Ҳали бирор касб этагини тутиб улгурмаган ёшларни қайта ўқувга жўнатган меҳнат бўлимига тасанно!. Яна бир гап. Оқолтинда бўлганимизда бўлим бошлиғи Шуҳрат Михлибоев билан мулоқотда бўлдик. Унинг гаплари баландпарвоз, пайдар-пайлиги ҳайратимизни оширди.

- Бизда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказишга ҳожат йўқ, - дейди Михлибоев. - Чунки бунга эҳтиёж ҳам, шароит ҳам йўқ. Ўзини оқламайди.

- Ҳисоботларда 5,5 минг иш ахтарувчи қайд этилган. Наҳотки, улар ишлашни хоҳламаса?

- Уларни бекорчилар қаторига қўшиб бўлмайди, - таъкидлайди бўлим мудири. - Ҳаммаси томорқада банд.

Масалага юзаки ёндошган, беписанд савол-жавоб қилаётган раҳбардан ҳафсала пир бўлиши тайин. Боз устига, қарангки, биргина Оқолтинда амалдаги йилда илк бор иш ахтарувчилар сони 497 нафарни, ўрта мактабни битирувчилар 266, ХТБЮни битирувчилар 178, ўрта-махсус касб-ҳунар билим юртларини битирувчилар 144 нафарни ташкил этаётган бир шароитда шу даражада хотиржам, бепарво бўлиш мумкинми?

- Қарийб минг нафарга яқин ёшлар катта ҳаётга йўлланма олаётган экан...

- Э, ташвишланманг, улар армияга, ўқишга, бошқа вилоятларга кетишади, - дейди тап тортмай Ш. Михлибоев.

Изоҳга ҳожат йўқ. Мирзаободдаги куйди-пишдилигу, Оқолтиндаги хотиржамликка ўзингиз баҳо бераверинг. Ўрни келганда, Гулистон тумани меҳнат бўлимида ҳам иш ахтараётган фуқароларни ҳисобга олишда қатор нуқсонлар борлиги маълум бўлди. Прокуратура идоралари томонидан ишга жойлаштирилган, шунингдек, иш қидираётган фуқароларнинг шахсий варақалари нотўғри юритилаётгани аниқланган. Масалан, ҳисобда турган Ф.Нурбековга тегишли варақанинг 5 бандида касбга тайёргарлик ҳамда қайта тайёргарликдан ўтаётган шахсларга ишсизлик нафақаси ва стипендиялар тайинлашу тўлаш банди умуман юритилмаган. Худди шундай камчилик 91 нафар фуқаронинг ҳисобга олиш карточкасида учрайди.

Таққос

Бўлимда ҳисобда турган 27 нафар фуқаронинг паспорт нусхалари, 14 фуқаронинг меҳнат дафтарчаси нусхаси олинмаган. Дилфуза Жонибекова, Наталя Белоусова, Дилбар Урушовалар иш ахтараётгани тўғрисида мурожаат қилиб ҳеч қандай ҳужжат топширмаса-да, меҳнат бўлими томонидан 28140 сўмлик ишсизлик нафақаси тўлаб берилган.

- Меҳнат бўлимларини текшириш жараёнида қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди, - дейди вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори, I даражали юрист Мустафо Жўлибеков. - Прокуратура идоралари томонидан 12 та тақдимнома киритилди. 14 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди. 1 та жиноий, 28 та интизомий ва 16 та маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Кўриниб турибдики, ишсизлик муаммосини қоғозда ёки ҳисобот тайёрлаш билан ҳал этиб бўлмайди. Расмиятчилик, ўзибўларчиликка барҳам берилиб, тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамлансагина, натижага эришиш мумкин. Ҳамма гап ҳаракатда, масъулиятни ҳис этишда.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*“Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” давом этмоқда*

# ПИЁДА - УМРИНГ БЎЛСИН ЗИЁДА

***Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан жорий йилнинг 1 апрелидан 1 майига қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” бошланди.***

Масаланинг моҳиятини тушунган киши ушбу тадбирга бефарқ қарамайди. Чунки, кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча вилоятлари йўлларида транспорт оқими кескин ортиб бормоқда. Бу эса республика Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси, унинг тизимидаги барча бошқармалар ва бўлинмалар олдига янги ва янги вазифалар юклайди. Асосий мақсад ҳаракатланиш жараёнида мавжуд қоидалар амалиётини тўла таъминлаган ҳолда йўл транспорт ҳодисалари олдини олиш ва бунга сабаб бўлувчи омилларга қарши курашишдан иборат.

Сабабсиз воқелик бўлмайди. Бу - ҳаёт қонунияти. Маълумотларга қараганда, ўтган чоракда республика бўйича икки мингдан ортиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, уларда икки минг нафардан ошиқ киши турли даражада тан жароҳати олган, тўрт юздан ортиқ фуқаро ҳаётдан кўз юмган. Айниқса, болалар иштирокида уч юздан ошиқ автофалокат қайд қилинганлиги ва кўпгина болаларнинг шикастланганлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Йўл ҳамиша ҳушёрликни талаб этади. Ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилган бир ярим мингдан ортиқ йўл транспорт ҳодисаларида икки минг нафардан ошиқ киши тан жароҳати олган. Спиртли ичимлик ичган ҳолда транспорт воситасини бошқариш айниқса, кечириб бўлмас ҳолдир. Ўтган уч ойлик давомида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан республикамиз йўлларида 19 мингдан ортиқ маст ҳайдовчи аниқланган. Хусусий транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан жами бир ярим мингдан ортиқ йўл транспорти ҳодисаси содир этилган, натижада мингдан ортиқ киши тан жароҳати олган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги корхона ва ташкилотларда, хўжалик ва муассасаларда Йўл ҳаракати қоидалари тарғиботига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Фуқаролар ўртасида кўча ва йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига амал қилиш юзасидан тушунтириш ишлари суст олиб борилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, айниқса, ўрта умумтаълим мактабларида “Йўл ҳаракати қоидалари”ни ўқитиш, ўргатиш талаб даражасида ташкил этилмаган. Бу ҳолни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон вилоятларида кўпроқ учратиш мумкин. Мазкур вилоятлар ҳудудида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ЙТҲлар сони ошиб кетганлиги факти ҳам буни тасдиқлаб турибди.

“Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”ни жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этиш, шунингдек, фуқаролар фаол иштирокини таъминлаш нафақат давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки барча транспорт воситалари эгалари - ҳамма-ҳамманинг кундалик ишига айланмоғи лозим. Ана шу нуқтаи назардан, Фармойишда барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбариятлари зиммасига ойлик давомида эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар ҳам юклатилган.

Ойликнинг самарадорлигини оширишда кўчалар ва йўл бўйиларига, айниқса, транспорт воситалари гавжум бўлган, болалар ва пиёдалар ўтадиган йўл ва йўлкалар ёқаларига “Йўл ҳаракати қоидалари”ни илиб қўйиш, шунингдек “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”ни тарғиб этувчи плакатлар, турли кўргазмали қуроллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Инсон ҳаётини асраш билан боғлиқ мазкур ойликка ҳеч ким лоқайд муносабатда бўлмаслиги лозим.

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник**

*Истиқлол берган имкон*

# ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНГА НЕ ЕТСИН

***Мустақиллик йилларида республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Шу боис ҳозирги кунда мамлакатимизда кўплаб тадбиркорлик субъектлари муваффақият билан фаолият кўрсатяпти. Бухоро шаҳридаги «Шаҳбоз-Шаҳром» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳам ана шулар жумласидандир.***

Истиқлол шарофати билан бунёд этилган корхонада ҳозирги пайтда сунъий толали тўшама гиламлар, пайпоқ ва чойшаблар ишлаб чиқарилмоқда. Синтетик ипларни тайёрлаш йўлга қўйилганлиги эса хомашё билан таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётир.

- Тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда сифатли моллар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратганмиз, - дейди фирма раҳбари Муҳаббатхон Тешаева. - Шунинг учун ҳам маҳсулотларимизга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

Дарҳақиқат, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг юқори сифатлилиги, арзонлиги, бир сўз билан айтганда, энг юқори талабларга тўла жавоб бера олиши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам улар харидорлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Айниқса, фирманинг ранго-ранг гиламларига нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб катта.

Муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Корхонада ишлаб чиқаришни ҳам ҳажм, ҳам сифат нуқтаи назаридан юксалтириш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Чунончи, ускуналарни замонавийлаштириш мақсадида чет эллик ишбилармонлар билан олиб борилган ҳамкорлик яхши самара берди. Корхонага Германиядаги «Шернер» компаниясининг «Альфа-320» номли замонавий дастгоҳлари ўрнатилди. Натижада маҳсулотлар сифати кескин яхшиланиши баробарида ўнлаб қўшимча иш ўринлари ҳам яратилди.

**К.АБДУЛЛАЕВ**

# КОЛЛЕЖДА МИНИ ЦЕХ

Пскент туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида етук малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Айни пайтда билим даргоҳида 7 та таълим йўналиши бўйича 590 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг чуқур билим эгаллашлари учун барча шароит яратилган.

Коллежда яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш мини цехининг ишга туширилиши бўлди. Айни пайтда бу ерда 3 турдаги маҳсулот, яъни томат пастаси, шарбат ҳамда повидло ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, бу цехда талаба ёшлар ўқув ишлаб чиқариш амалиётини ҳам ўташ имкониятига эга бўлдилар. Хориж технологияси бўйича жиҳозланган ушбу линия бир кунда 800 килограмм томат пастаси ишлаб чиқариш қувватига эга.

***Суратларда: мини цехда ўқув амалиёти жараёни.***





# МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

***Жамиятимизда маҳаллалар муҳим ўрин тутади. Шу боис ўзини-ўзи бошқариш органлари ишини жонлантириш, маҳалла аҳли турмуш даражасини яхшилашга жиддий эътибор қаратилган.***

Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалласи ҳам бу борада муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури юзасидан маҳаллада истиқомат қилаётган аёллар саломатлигини тиклаш, тиббий маданиятни ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, болалар спортини ривожлантириш ҳамда оила, хонадонларни ҳам жалб этиш учун ҳудудда турли спорт майдончалари ташкил этилиб, тез-тез мусобақалар ўтказилмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ёшларни бирор бир иш билан банд бўлишлигини таъминлашга қаратилган ибратли тадбирлар амалга ошириляпти. Бунинг учун фуқаролар йиғини, участка милиция нозирлари ва бошқа масъул идоралар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган.

– Бир болага етти қўшни ота-она, – дейди маҳалланинг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича раис маслаҳатчиси Муфаррах Содиқова. – Шу боис, хонадон соҳиблари билан доимий мулоқотда бўлиб турамиз. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз оилаларни йўқлаб, улар ҳолидан хабар олиш фаолиятимизнинг асосий мезонидир. Маҳалламизнинг обод ва кўркамлиги ҳам ўзимизнинг қўлимизда. Ҳашарларда, тўй-маъракаларда маҳалла аҳли доимо бир тану бир жон.

Яқинда ҳокимлик, ҳомий ташкилотлар, саховатпеша тадбиркорлар ва маҳалла аҳлининг ўз кучи, саъй-ҳаракати билан ташландиқ ҳудуд ўрнида маҳалланинг янги гузари қад ростлади. Гузарнинг очилиши маҳалла аҳлининг қалбига баҳорий кайфият бағишлаш билан бирга байрам тантаналарига уланиб кетди. Маҳалла маркази ҳовлисида файзли дастурхон ёзилиб, Наврўз таомлари тортилди. Ҳокимлик, «Маҳалла» жамғармаси, корхона ва ташкилот мутасаддилари томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз оилаларга совғалар улашилди.

**Заҳро РАҲИМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

***Мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтилганда касаба уюшмаларининг фаолияти қандай кечади? Деҳқон-фермер хўжаликлари аъзоларининг меҳнат муносабатлари шаклланиши, ижтимоий ҳимоя, пенсия ва нафақаларни расмийлаштириш ва бошқа ҳаётий масалалар қай тарзда ҳал этилади?***

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши юзага келган ушбу муаммоларни ҳал этишнинг оқилона йўлини излаб топди. Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда «Фермер хўжалигида меҳнат қонунчилиги» қўлланмаси чоп этилди. Китобчада Меҳнат Кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунлар талабларини бажариш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялари берилди. Маҳаллий газета, радио ва телевидениеда меҳнатга оид муносабатларга доир туркум материаллар ёритилди.

Тармоқ касабақўми фақат бу билан чегараланиб қолмади. Вилоят прокуратураси, «Пахтабанк» вилоят бошқармалари, деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллиги билан биргаликда «Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини шакллантириш, ходимлар ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-мулоқот ўтказилди. Унда фермер хўжаликларида иш берувчи ва ходим муносабатлари, хўжаликларни кредитлаш, касаба уюшмаси фаолиятини ташкил этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Натижада қуйи бўғинлар касаба уюшмаси иши такомиллашиб, бир мунча ижобий кўрсаткичларга эришилди. Янгидан 119 та цех ташкилотлари тузилиб, улар сони 613 тага етди. Бошланғич ташкилотлар сафларига 253 минг 868 нафар аъзони бирлаштириб турибди. Тўлиқ фермерликка ўтган Косон туманида 2697 та касаба уюшма гуруҳлари тузилган бўлиб, улар ҳисобида 16245 нафар аъзо фаолият кўрсатмоқда. Тумандаги «Темирхўжа», «Чироқчи», «Гувалак» машина-трактор парклари ҳузуридаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тармоқ кенгаши бутун ташкилотчилик фаолиятларини меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳолини ижтимоий муҳофазалашга қаратганлар.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан воҳадаги 119 та ширкат тугатилиб, 15927 та фермер хўжаликлари тузилди. Жамоаларда ишлаётган 116 минг 392 нафар ходим ва оила аъзоларининг ижтимоий аҳволи, яшаш тарзи, ташвиш ва ўйлари, соғломлаштириш масалаларини касаба уюшмалари зиммасига олди.

Фермерлар ўтган йилни 150,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунладилар. Бу ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 34,7 фоизига тўғри келади. Тайёрланган пахтанинг 70,1 фоизи фермерлар томонидан етиштирилган. Биргина пахтачиликдан олинган соф фойда 27,2 миллиард сўмга, рентабеллик даражаси 44,9 фоизга етди.

Лекин айрим фермер хўжаликларида жамоа шартномаси тузилмаганлиги, ишловчилар техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилмаганлиги, ишга қабул қилиш буйруқлари расмийлаштирилмаганлиги, бюджетдан ташқари пенсия, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат ва ижтимоий суғурта жамғармаларига маблағлар ўтказилмаётганлиги аниқланди. Ходимларимиз Қарши, Ғузор, Нишон, Яккабоғ, Миришкор, Шаҳрисабз туманларида бўлиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли маслаҳатлар бердилар. Иш юритиш, меҳнат шартномасини тузиш, меҳнат дафтарчасини тўлдириш ва бошқа хизмат ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича семинарлар уюштирилди.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлар касаба уюшмаси Уставининг V бўлим 23-бандида бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳар бир юридик мақомга эга бўлган корхона, ташкилот, муассаса, ширкат, деҳқон-фермер хўжалиги, ижара, оилавий пудрат жамоасида тузилиши кўрсатилган. Жорий йилда иқтисодий ночор, паст рентабелли 34 та ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилди. Касаба уюшмалари янги тузилмаларда жамоа шартномасини ишлаб чиқишда аёллар ва вояга етмаганлар учун кафолатларнинг аниқ белгиланишига эришдилар, меҳнат шартномаларининг тузилиши, ишга қабул қилиш ва бўшатиш, маош лар миқдори, қўшимча тўловлар, товон пуллари, иш вақти ва дам олиш, таътил муддати аниқ кўрсатилишини таъминладилар.

Тадбиркорлар томонидан хайрия тадбирлари ҳам амалга оширилаётир. Муборакдаги «Сиёвуш», «Алихон Феруз», Китоб туманидаги «Иқтидор» фермер хўжаликларининг ҳар бири кам таъминланган оилаларга 200 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатган бўлсалар, Муборакдаги «Азамат», «Баҳор», Ғузор туманидаги «Бурхон», Миришкордаги «Камалак», Қарши туманидаги «Нуқрабод» Қаршидаги «Ҳаёт» фермер хўжаликлари мактабларнинг ўқувчиларига 100 минг сўмдан 500 минг сўмгача дарсликлар олиб беришган. Косондан «Тўлға», «Бойтерак», Қаршидаги «Лёва» фермер хўжаликлари маҳаллалардаги ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш учун маблағ ўтказиб беришди.

Қамаши туманидаги «Абдиаҳад ўғли Сайфиддин» фермер хўжалиги ногиронлар жамиятига аравача олиб берди. Миришкор туманидаги «ФАМ», «Турдиали бобо», Ғузордаги «Остон бобо» фермер хўжаликлари ҳам кам харжлиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда касаба уюшмалари ташкилотчи ва ташаббускор бўлишаяпти.

**Н. ҲАЙДАРОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши ҳуқуқшуноси**

# ХОТИН –ҚИЗЛАР КЛУБИ

Оммавий ахборот воситаларида журналист хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, ижодкор хотин-қизлар ўртасида кўрик-танловлар ташкил этиш, фаол журналист аёлларни моддий ва маънавий рағбатлантириш кабилар уларни янада ғайрат билан ёзишга даъват этмоқда. Уюшма яқинда “Журналист хотин-қизлар” клубини ташкил этди.

# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кўпайтирмоқда. Ўтган уч ой мобайнида 152 минг 200 тонна пўлат эритган корхона истеъмолчиларга салкам 150 минг тонна тайёр метал прокати етказиб берди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122,7 фоизга тенг бўлди. Экспорт ҳажми ҳам ошмоқда.

- Корхонани замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари изчил амалга оширилаётгани, шунингдек, иккиламчи метал хомашёси етказиб берувчилар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани муваффақиятларимизнинг бош омилидир, - дейди корхона бош иқтисодчиси Карим Ёқубов. - Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини яхшилаш билан бирга уларнинг турини ҳам кўпайтириш имконияти туғилмоқда.

Жумладан, 2-навли прокат цехида 12 ҳамда 14 миллиметр ҳажмдаги квадрат металл прокати ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Машинасозлик саноати, қурилиш ҳамда ободонлаштириш соҳасида ишлатиладиган бундай маҳсулот аввалари четдан олиб келинар эди. Бекобод металлурглари ҳозиргача салкам минг тонна ана шундай харидоргир маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берди.

Корхона йил бошидан буён истеъмолчиларга 556 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ҳам жўнатди.

*Шарҳловчи минбари*

# ЯНГИ ПАПА САЙЛАНИШ АРАФАСИДА

Иоанн Павел Иккинчининг вафотидан сўнг янги Рим папасини сайлаш Ватикан олдидаги асосий вазифага айланди. Бу муҳим тадбирни 18 апрелда ўтказиш режалаштирилаётир. Унда Рим католик черковининг 116 нафар кардинали иштирок этади.

Конклав, яъни папани сайлаш тадбири узоқ тарихга эга. У XIII асрдан буён ўзига хос анъана ва қоидаларга қатъий риоя этиб келади. Бундай сайлов ёпиқ бинода фақат кардиналлар иштирокида ўтказилади.

1996 йилда Иоанн Павел Иккинчи конклав қоидаларига бироз ўзгартиш киритди. Унга мувофиқ, овоз берувчиларнинг учдан икки қисми томонидан ёқланган номзод папа бўлади. Конклав папа вафотидан сўнг узоғи билан 20 кун мобайнида чақирилиши керак.

Сайлов куни кардиналлар номзодларга яширин равишда 4 марта овоз беради. Бу жараёнлар эрталаб ва кечки пайт ўтказилади. Конклав католиклар олий раҳнамосининг сайланиши билан якунланса, ибодатхона тепасида оқ, акс ҳолда, қора тутун кўринади.

Янги Рим папаси аввало ўзига исм танлайди. Шундан сўнг махсус кийим кийиб, Авлиё Пётр базиликаси айвонидан туриб барча католикларни қутлайди.

— Таъкидламоқ жоизки, Иоанн Павел Иккинчига қадар барча папалар италян миллатига мансуб номзодлардан сайланган эди. Рим католик черковининг раҳбарлиги бу гал ҳам бошқа миллат вакилига насиб этиши эҳтимолдан холи эмас.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**


# СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО «ITM»

**Порядковый номер сообщения - 05.**

Решением общего собрания акционеров от 6.04.2005 г. размер дивидендов за 2004 г. составил 8689799 сум. На одну привилегированную акцию 1500 сум и на одну простую акцию 133 сум 92 тийин.

**Порядковый номер сообщения - 08.**

Выплата дивидендов - срок выплаты дивидендов денежными средствами не позднее 60 дней со дня проведения общего собрания акционеров.

**Порядковый номер сообщения -.09.**

Вид общего собрания - годовое.

Форма проведения собрания - очное.

Дата проведения собрания - 6.04.2005г.

Место проведения - г. Ташкент, ул. Курбанова, 46.

Кворум собрания - 50096 или 99,4% от общего количества акций.

**Вопросы, поставленные на голосование:**

1. Отчёт исполнительного органа о итогах финансово-хозяйственной деятельности за 2004 год (Нигманов Р.Х.)

Решили утвердить отчёт исполнительного органа и дана удовлетворительная оценка.

**«За» - 50096 «против» - нет**

2. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибыли и убытков за 2004 год. Решили утвердить.

**«За» - 50096 - «против» - нет**

3. Утверждение распределения чистой прибыли, размеров дивидендов, форма оплаты и срок выплаты.

**«За» - 50096 - «против» - нет**

4. О заключении договора найма с директором на 2005 год. Решили заключить трудовой контракт с директором Нигмановым Р. Х.

**«За» - 50096 - «против» - нет**

5. Избрание членов Наблюдательного Совета

**«За» - 50096 - «против» - нет**

6. Утверждение Отчёта и избрание членов Ревизионной комиссии. Решили признать работу Ревизионной комиссии удовлетворительной и утвердить состав Ревизионной комиссии.

**«За» - 50096 - «против» - нет**

7. Утверждение аудиторской фирмы «Виктор-Аудит» на 2005 год.

**«За» - 50096 - «против» - нет**

**Порядковый номер сообщения - 10.**

Орган управления эмитента, в котором произошли исменения:

**Наблюдательный Совет:**

| До проведения ОСА (старый состав) | | После проведения ОСА (новый состав) | |
|---|---|---|---|
| Ф.и.о. | Заним. долж. (с указанием места работы) | Ф.и.о. | Заним. долж. (с указанием места работы) |
| Рахимов О.Р. | Гл. инженер ИПАК «Шарк» | Рахимов О.Р. | Гл. инженер ИПАК «Шарк» |
| Миленин С.В. | Гл. механик ИПАК «Шарк» | Миленин С.В. | Гл. механик ИПАК «Шарк» |
| Гимазутдинова Г.И. | Нач. службы качества ИПАК «Шарк» | Гимазутдинова Г.И. | Нач. службы качества ИПАК «Шарк» |
| Арифджанов Е.Ю. | Директор ООО «Полиспектр» | Арифджанов Е.Ю. | Директор ООО «Полиспектр» |
| Даревский Л. | Гл. бухгалтер «Кумуш Ёмгир» | Арбатский О. | Юрисконсульт ООО «Полиспектр» |

**Исполнительный орган**

| Действующий директор на момент проведения ОСА | | Продлён срок трудового контракта с директором АО |
|---|---|---|
| Ф.и.о. | Дата избрания | До очередного ОСА 2006 г. |
| Нигманов Р.Х. | 06.04.2005 г. | |



# ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Машрабхон ая Каримовани нафақат Сирдарё вилояти, балки республикамиз пойтахти аҳли ҳам яхши танийди.

Республика Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Халқ усталари ва ҳунармандларининг "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлиб кирган М. Каримова бугунги кунда ишлаб чиқаришни кенгайтириб ҳунармандчиликнинг бешик, жовон, сандиқ, ўйма сандиқ, шунингдек, миллий кўрпа-тўшак каби турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Онахон яқинда яна бир савобли ишга қўл урди. Гулистон шаҳрининг ўзи яшаётган маҳалла қисмида яшовчи ногиронларни йиғиб, уларни ўз ҳунаридан бохабар қилган ҳолда кўрпа-ёстиқ ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

**Муҳаммад КАРИМ олган суратлар**



## ОИЛА ДАВЛАТИ ВА БАХТИ

**Яхши хотин - оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса кўнгул ёзуғи, хушмуомалали бўлса - жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради.**

**Алишер НАВОИЙ**

*Аёлларни фақат карамли кишиларгина ҳурмат қилади, уларни фақат безориларгина хафа қилади.*

**Имом ат-ТЕРМИЗИЙ**

**Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, у ҳақида ҳамма нимадир янги гап айтиши мумкин.**

**С.БУФФЛЕР**

Аёл-буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамланган.

**А.Н.НЕКРАСОВ**

**Аёлга муҳаббат биз учун буюк, ҳеч нарсанинг ўрнини босолмайдиган аҳамият касб этади; у худди гўштга сепилган туздек, юракка сингиб уни бузилишдан сақлайди.**

**В.ГЮГО**

*Мустақил Ўзбекистон ёшлари*

# ҚАЛБЛАРДА ҲАЁТ ИШҚИ

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида билимдон, малакали, ҳар томонлама етук мутахассис-кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Таълим тизимини, хусусан олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ўқув жараёнига энг илғор педагогик технологияларни олиб кириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бинобарин, юртнинг эртанги кунини, Ватан, Миллат келажагини ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони бўлган ёш мутахассислар белгилайди.***

Қарши Давлат университети нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам ўз ўрни ва нуфузига эга олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Воҳанинг тўнғич олийгоҳида сабоқ олган минглаб мутахассислар ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилишяпти. Улар орасида университетнинг сиртқи таълим факультети битирувчилари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Негаки, бу ерда ўтган йиллар мобайнида 20 минг нафардан ортиқ талаба таълим олиб, жўшқин ҳаёт сари отланди.

Ҳозирги кунда факультетда 2626 нафар талаба иқтисодиёт, молия, иссиқлик энергетикаси, ўзбек филологияси, тарих, математика, кимё, биология, мусиқа, бошланғич таълим, спорт ва тарбиявий иш ҳамда жисмоний маданият каби 11 та йўналиш бўйича таҳсил оляпти. Уларнинг 236 нафари иккинчи мутахассисликни эгаллашмоқда.

Факультетга халқ таълими аълочиси, доцент Абдусалом Ўроқов раҳбарлик қилади. У кўп йиллар университетнинг талабалар ва профессор-ўқитувчилар касаба уюшма қўмиталари етакчиси сифатида самарали фаолият юритган. Таъкидлаш лозимки, айниқса кейинги пайтларда илм даргоҳида талабалар ва ўқитувчилар учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадида бир қатор таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

— Ўқув-илмий ва маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига амал қилган ҳолда Давлат таълим стандартлари асосида ташкил этганмиз, - дейди биз билан суҳбатда Абдусалом Ўроқов. - Ўқув-лаборатория ишлари, амалий машғулотлар талаб даражасида жиҳозланган аудитория ва лаборатория хоналарида ўтказилади. Талабаларимиз бой кутубхона, кенг ва шинам ўқув заллари, компьютер ҳамда тил ўрганиш марказлари, шунингдек университет босмахонасидан фойдаланадилар.

Дарҳақиқат, факультетда талабалар етарлича билим олиши, малака ошириши учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Масалан, раҳбарият ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан услубиёт хонаси ташкил этилган бўлиб, у барча фанлардан тайёрланган ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар, маъруза матнлари, адабиётлар, дастурлар билан тўла таъминланган. Яна бир мақтовга сазовор жиҳат шуки, компьютер марказида турли фанлар бўйича дарслик, маъруза матнлари ва ўқув дастурларининг электрон версиялари яратилган. Бу таълим сифатини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Талабаларнинг етарли билим олишларини таъминлаш, ўқув жараёнини назорат қилиб бориш мақсадида сифат комиссияси тузилган. Унга тажрибали профессор-ўқитувчилар жалб қилинган бўлиб, комиссия ҳар ойда ўқитувчиларнинг дарс машғулотларини кузатиб боради. Тегишли масалалар муҳокама қилингач, ўқитувчиларга зарур маслаҳатлар берилади.

Дарвоқе, ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл урилди. Вилоятнинг Шаҳрисабз ва Муборак туманларида масофадан ўқитиш маслаҳат жойлари ташкил қилинди. Натижада компьютер маркази билан мазкур туманлардаги касб-ҳунар коллежларининг компьютер синфлари ўртасида интернет алоқаси ўрнатилди. Ҳозирда ўнлаб иқтидорли талабалар бу қулайликдан фойдаланмоқда. Бу йил факультетда ўқитишнинг энг замонавий техника воситалари билан таъминланган услубиёт хонасини ташкил этиш ва уни интернетга улаш режалаштириляпти. Албатта, бу талабалар ўз мутахассисликларини пухта эгаллашлари учун яна бир имконият демакдир.

Илм фақатгина ўз соҳибини эмас, балки юртни, мамлакатни ҳам шарафлайди, дунёга танитади. Шу боис факультетда илмий-тадқиқот йўналишида кўплаб ибратли ишлар қилиняпти. Юксак илмий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида бир нечта тўгарак ишлаб турибди. Уларда 150 дан ортиқ талабалар илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ўтган ўқув йилида ўтказилган талабаларнинг илмий-назарий анжуманида кўплаб иқтидорли талабалар ўз маърузалари билан иштирок этди. Шунингдек, факультетда фаолият кўрсатаётган А.Ўроқов, Ғ.Бобоназаров, Э.Тоиров, П.Сайдуллаев каби устоз олимлар ўнлаб қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар муаллифлари ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференциялардаги иштироки илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинганлиги ҳам диққатга сазовордир. Яна бир гап. Ўтган йили факультет ташаббуси билан Нишон ҳамда Қарши туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда демократик сайлов истиқболлари» ҳамда «Миллий истиқлол ғояси ва ёшлар тарбияси» мавзуларида илмий-амалий семинарлар зўр кўтаринкилик билан ўтказилди. Шаҳрисабз, Чироқчи, Миришкор, Ғузор туманларида эса мактаб таълимини ривожлантиришга оид бир қатор тадбирлар ташкил қилинди. Мазкур тадбирларда бугунги кунда мамлакатимизда амалга татбиқ қилинаётган кенг кўламли ислоҳотлар, миллий истиқлол ғояси ва унинг моҳияти, шу билан бирга, таълим тизимидаги ўзгаришлар хусусида атрофлича сўз бордики, улар ана шу жиҳати билан ҳам ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, бундай саъй-ҳаракатлар юксак маънавиятли, зукко, билимдон, ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилган.

Илм даргоҳида бюджетдан ташқари маблағ топишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда васийлик ва ҳомийлик фаолияти намунали йўлга қўйилган. Масалан, ўтган йили ҳомийларнинг маблағи ҳисобидан факультет аудиториялари таъмирдан чиқарилди. Оталиққа олинган Миришкор туманидаги 2 та ўрта мактабга 300 минг сўмлик дарсликлар, ўқув адабиётлари олиб берилди.

**Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири**

## ГЕОЛОГЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Одатда ҳар йили юртимизда Наврўз арафасида турли хил ўйинлар, мусобақалар, тадбирлар ташкиллаштирилиб, байрам шукуҳи дилларни ўз домига тортади. Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасига қарашли «Ўзбекгидрогеология» давлат гидрогеологик корхонаси касаба уюшмаси Кенгаши ҳам 2005 йил Сиҳат-саломатлик йили, «Геология қидирув дала ишлари бошланиши», қолаверса, Наврўз байрами муносабати билан ҳамда ишчи-ходимларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида 31 мартдан 2 апрелгача спорт турлари бўйича спартакиада баҳсларини ўтказди.

Мусобақада «Ўзбекгидрогеология» давлат гидрогеологик корхонаси ушбу корхона таркибидаги гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати ва Гидрогеотехника муассасасининг 60 га яқин ходимлари қатнашди. Жамоалар спортнинг 6 тури бўйича куч синашди.

Баҳсларда эркаклар орасида Ш.Икромов, аёллар орасида Т.Дубовиккаялар шоҳмат бўйича ғолиб чиққан бўлса, шашкада эркаклар ўртасида Х.Бозоров, аёллар ўртасида Г.Қорабоеваларга ғолиблик насиб этди. Стол тенниси бўйича эркаклар ўртасида Т.Арипжонов, аёллардан Р.Таджибоевалар шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллашди. Спортнинг теннис турида эса В.Минченкога тенг келадигани топилмади. Волейбол ва мини футбол ўйинлари бўйича Т.Арипаванов бошлиқ Гидрогеология ва муҳандислик геологияси (Гидроинго) институти жамоасига омад кулиб боқди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, иккинчи ўринни «Ўзбекгидрогеология» давлат гидрогеологик корхонаси, учинчи ўринни хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати жамоаси эгаллади.

**Абдурасул БОЗОРОВ**

*Ўтмишимизни ўрганамиз*

# МОВАРОУННАҲР ДАРҒАСИ

Темур бир ярим йилдан кейин ўзининг қадрдон қўрғончасига қайтиб келади. Отаси Тарағай Баҳодир ўғлининг шарафига дастурхон ёзиб, элга зиёфат беради. 1355 йилнинг узум пишиғида Темур уйлантирилади. Тарағай Баҳодир ўз хонадонига Яккабоғ беги Норин барлоснинг қизини келин қилиб тушуради. Тўйнинг эртасигаёқ амир Қозоғондан Темур номига махсус чақирув қоғози келади. Темур ўз қишлоғида ёш баҳодирлардан иборат кичик жанговар қўшин тузган эди. Бу қўшиндан хабар топган амир Қозоғон: «Ҳирот ҳукмдори Малик Ҳусайн Чиғатой улусини босиб олиш учун юриш қилаётир. Мен Мовароуннаҳрнинг барча баҳодирларини қўл остимга бирлаштириб, унинг йўлини тўсмоқчиман. Шу жангда сен ҳам бизга мадад бергайсан», – деган мазмунда хат юборган эди. Темур куёв чақирув кунининг эртасигаёқ 300 аскар билан Қозоғон қароргоҳига қараб жўнайди. Бу пайтда Малик Ҳусайн Андхуд ва Шибирғонни забт этган эди. Жангда Амир Темурнинг жанговарлиги билан Малик Ҳусайн енгилиб, сулҳ тузишга мажбур этилади.

Энди амир Қозоғон ўз набираси амир Ҳусайнни Ҳиротга ноиб қилиб қўйишга ҳам муваффақ бўлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Малик Ҳусайн амир Ҳусайнни Ҳиротдан ҳайдаб чиқариш учун исён кўтаради. Унга қарши яна Темур 3.000 қўшин билан Ҳиротга юриш қилади. Бу сафар ҳам Темур Малик Ҳусайн устидан ғолиб бўлиб, амир Ҳусайнни Ҳирот тахтига ўтқазиб қайтади. Шундан кейин узоқни кўрадиган амир Қозоғон Темурни ўзига яқинлаштириб олиш ниятида набираси Улжай Турконни катта тўй қилиб беради. Бу пайтда Темур катта хотинидан Муҳаммад Жаҳонгирни

(Боши ўтган сонда)

кўрган эди. Амир Ҳусайннинг синглисига уйланиб, Қозоғоннинг ҳурматига сазовор бўлган Темур овда унга уюштирилган суиқасдни фош этиб, ўзига нисбатан яна ҳам ишончини мустаҳкамлаб олади. Қозоғон Темурнинг бу иши учун унга 22 ёшида Шибирғондек катта шаҳарни инъом этади. Ана шу кезларда ов баҳонаси билан Хутталон ҳукмдори амир Қайхисрав Қозоғон ўлдирилгани ҳақидаги хабарни эшитиб, зудлик билан у ерга етиб боради. Қозоғон ўлимидан кейин унинг ўғли Абдулла пойтахтни Самарқандга кўчиради, у улус хони Баёнқулини ўлдириб, унинг гўзал хотинини қўлга киритади. У ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, Темуршоҳ ўғлонни хон қилиб кўтаради.

Амир Абдуллоҳнинг сиёсатидан норози бўлган акобирлар, айниқса, Баён Сулдуз унга қарши кураш олиб боради. Курашда Абдулла енгилиб, Самарқандни ташлаб қочади. Вазиятдан фойдаланган Темур ҳам Шибирғонни ишончли бир кишига топшириб, Самарқандга интилади ва уни эгаллайди. Шу пайтда Мўғилистондан Тўғлуқ Темур юз минг қўшин билан Самарқанд томон келаётганлиги ҳақидаги хабар олинади. Тўғлуқ Темурдан Амир Темур номига юборилган махсус хатда жами лашкарларинг билан менга қўшил, деган даъват илгари сурилган эди. Темурнинг ўзидан бир неча баробар кучли қўшинга эга бўлган Тўғлуқ Темурга қўшилишдан бошқа чораси йўқ эди. Юзага келган ҳарбий вазиятдан келиб чиқиб, Темур Мовароуннаҳрнинг беҳуда қонга ботирилишини ўйлаб, Самарқандни жангсиз топширади. Тўғлуқ Темур шаҳарга Ҳизр Ясавурийни ҳукмдор қилиб ўтказиб Мўғилистонга қайтади. Темур Ҳизр Ясавурий билан иттифоқ тузиб, Кеш ҳокими бўлиб турган амакиси Ҳожи барлосга қарши кураш олиб боради. Жанг шунчалик қаттиқ кечадики, унда ҳатто Ҳизр Ясавурий ҳам ўлдирилади. Ҳожи барлос енгилгач, Сирни кечиб ғойиб бўлади. Шундай қилиб Кеш ўз-ўзидан Темур қўлига ўтади. Ҳизр Ясавурий ўлгандан кейин унинг ўрнига Илёс хожа ҳукмдор этиб тайинланади.

Тўғлуқ Темур Илёс хожа Самарқандда эркин нафас олиши учун Балх ҳокими амир Ҳусайнни бир ёқлик қилиши зарур эди. У Самарқандга келгач, Темурни ҳам чорлаб, кутилмаганда Илёс хожани хон, Темурни эса Илёс хожанинг бош лашкарбошиси этиб тайинлайди. Кейинчалик Илёс хожа Темурдан чўчиб, Беги Чоқуни унинг ўрнига лашкарбоши қилиб кўтаради. Темурни эса баҳодирлар устидан бошлиқ қилиб қўяди. Золим, бузуқи Беги Чоқу тез орада шаҳар аслзодаларининг кўнглини қолдиради. Натижада 70 дан ортиқ саййид ва орифлар Илёс хожага арз қиладилар. Бироқ, Илёс хожа бу саййидларнинг ўзини зиндонбанд қилдиради. Ғазабланган халқ кўтарилиб, Темурга арз қилади. Темур зудлик билан баҳодирлар қўшинини тўплаб шаҳарга ҳужум уюштириб, қамалганларни озод қилади. Бундан ташвишга тушиб қолган Илёс хожа ёрдам сўраб Мўғилистонга чопар юборади. Бу хабарни эшитган Тўғлуқ Темур Соҳибқиронни махфий қатл эттириш тўғрисида буйруқ юборади. Темур ана шу буйруқни ҳам қўлга тушуради ва Мўғилистонда яна қўшимча 40 минга яқин лашкар келаётганлиги ҳақида маълумотга эга бўлади.

Энди Темур бу катта кучни бартараф этиш чорасини кўриши зарур эди. Шу боисдан зудлик билан амир Ҳусайн билан машварат ўтказишни режалаштиради. Темурнинг жуда оз сонли баҳодирлари амир Ҳусайннинг ҳам унчалик кўп бўлмаган лашкарлари билан бириккан тақдирда ҳам, Тўғлуқ Темур ва Илёс хожадек катта кучга бас келолмас эди. Шу боисдан улар Хоразм ҳукмдорларидан ёрдам олиш мақсадида Урганч томон йўл оладилар. Лекин Хоразм ҳукмдори Ҳусайн сўфи Темур келаётганлиги хабарини эшитиб, уни шаҳарга киритмасликка буйруқ беради. Чунки, Ҳусайн сўфи ҳам Темурнинг шон-шавкати тўғрисида эшитиб, ундан чўчиб турар эди. Ноилождан Темур отининг бошини чексиз даштларга буради. Чўлда улар туркманларнинг Мохон деб аталган қабиласи сиртмоғига тушиб қолиб, 62 кун қамоқда ётадилар. Қамоқдан қутилгач, амир Ҳусайн билан иттифоқликда Хуросон томонга юриш қиладилар. Сеистон ишғол этилгач, Темурнинг қўл остида минглаб лашкарлар ва лашкарбошилар йиғилади. У энди мўғул келгиндилари билан Мовароуннаҳрни тозалаш йўлида жангга киришишга шай эди ва тезлик билан 12 минг қўшин тўплаб, Хутталон яқинидаги Тошкўприк мавзеини жанг майдонига мос жой деб танлайди.

**Маҳмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди**

(Давоми бор)

*Футбол*

# КЎЗ ТЕГДИ

## "Пахтакор"нинг ўйини негадир қовушмаяпти

Икки йил кетма-кет Осиё чемпионлар лигаси баҳсларини тўртинчи ўринда якунлаган "Пахтакор" жамоаси бу мавсумда қўлга киритаётган натижалар билан, афсуски, мақтана олмайди. Гуруҳ учрашувларининг дастлабкисини меҳмонда - Сурияда ўтказиб, ишончли ғалабага эришган футболчиларимиз кейинги икки ўринни бой бериб, мураккаб аҳволга тушиб қолишди. Куни кеча Саудия Арабистонининг "Ал-Аҳли" клуби билан кечган беллашувда, айниқса, ачинарли натижа қайд этилди. Ҳисоб - 0:3.

Миллий терма жамоа негизини ташкил қилган футболчилардан иборат команданинг мағлубияти ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Юзага келган муаммоларни зудлик билан ҳал этмай туриб, олий мақсадларга умид боғлаш қийин.

Ҳайриятки, чемпионлар лигасида қатнашаётган бошқа бир вакилимиз - "Нефтчи" ўз майдонида Қатарнинг "Ас-Саад" жамоасидан устун келиб, мухлислар кўнглига чироқ ёқди. Анвар Бердиев ва Носир Отақўзиев томонидан киритилган икки гол фарғоналикларга муҳим уч очкони туҳфа этди. Уч учрашувдан сўнг олти очко тўплаган "Нефтчи" худди шунча очко жамғарган "Ас-Саад" билан гуруҳда пешқадам бўлиб турибди.

***Ўзбекистон Футбол Федерациясида, ниҳоят, биринчи лига ўйинларига қуръа ташланди. Унга кўра, биринчилик баҳслари 12 апрелда бошланади. Шу куни Термиз, Денов, Шўрчи, Гулистон, Ғаллаорол, Тошкент, Андижон ва Шаҳрихон шаҳарларида мусобақага старт берилади.***

## БИРИНЧИ ЛИГА янгиликлари

Лигадаги ўзгаришлардан бири шуки, бу йил мусобақа ўтган мавсумдагидек икки гуруҳга бўлинган ҳолда эмас, балки бир гуруҳда ўтказилади. Унда 19 та жамоа йўлланмалар учун кураш олиб боради.

Яна бир янгилик. Бу йил биринчи лигада учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллаган клублар олий лигада сўнгги икки ўринни банд этган жамоа билан «плей-офф»да учрашади. Биринчи ва иккинчи ўрин соҳиблари эса олий табақага тўғридан-тўғри йўл олади. Бу янгилик келаси мавсумдан олий лига иштирокчилари сонини 16 тага ошириш билан боғлиқ.

*Она табиатни асрайлик!*

# ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ ДАРАХТЛАР

Бизга мактаб дарсликларидан ҳам маълумки, барча ўсимликлар ва дарахтлар атмосфера ҳавосини тозалаб беради. Дарахтлар сел ва тошқинлардан, жазирама иссиқдан , кучли шамоллардан асрайди. Ўсимлик дунёси ва дарахтларга қанча таъриф берсак ҳам оз.

Шаҳримизда саноат корхоналари ва ушбу манзилдан ўтаётган автотранспортларнинг катта оқими ҳавога углерод оксиди, олтингургут оксиди, азот оксиди, углеводородлар, қўрғошин, темир ва бошқа бирикмалар ҳамда ҳар хил чанглар чиқаради. Бу заҳарли моддаларни асосан дарахтлар тозалаб туради. Шунинг учун ҳам дарахтларни «шаҳар санитарлари», деб аташади. Ҳар қандай яшил ўсимликларда фотосинтез ҳодисаси бўлиб туради. Масалан, 4 та дарахт бир суткада 1,5 килограмм СО2 ни ютиб, 1,1 килограмм кислород чиқаради.

Шу ўринда бир гап. Баъзан «чинор кислород бермайди, у кислород ютади» деган нотўғри фикрлар эшитилиб қолади. Бу нотўғри қараш. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Ботаника» боғи ходимлари ўзига хос тадқиқот ўтказиб, чинор дуд, қурум ва шу каби заҳарли газларни бошқа яшил ўсимликларга нисбатан кўпроқ ютишини аниқладилар. Демак, кўп парвариш талаб қилмайдиган яхши тупроқ ҳамда сувга унча ўч бўлмаган ва икки минг йил умр кўрувчи бу дарахтнинг яна бир хусусияти аниқланди. Ҳозир дунёдаги энг қадимги ва йирик чинорлардан бири Озарбайжоннинг Жанубий Қорабоғ вилоятида ўсади. Икки минг йиллик бу чинорнинг бўйи 50 метр, танасининг диаметри 8,5 метрга етган.

Чинор дарахтининг ёғочи жуда қимматбаҳо ҳисобланади. Ундан қурилиш хомашёси сифатида фойдаланилади. Францияда чинордан олий навли фанер қилинади. Мамлакатимизда бу ёғочнинг ишлатилмаслигининг сабаби битта, у ҳам бўлса унинг жуда камлигидир. Юртимизда 319 дона катта чинор дарахтлари рўйхатга олинган бўлиб, давлат томонидан қўриқланади. Улар Фарғонанинг Водилида, Самарқанднинг Ургутида, Тошкент шаҳрининг марказий хиёбонларида ва бошқа жойларда ўсади. Улуғ боболаримиз Амур Темур, Бобур, Акбаршоҳлар ўз боғларига чинор экканликлари маълум. Республикамиздаги баъзи жой номларининг «Мингчинор», «Бобочинор», «Чинорзор» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Эътироф этиш жоиз, ҳозир ҳам кўплаб чинор кўчатлари экилмоқда. Аммо парвариш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Кўпинча ёш ниҳолларни жониворлар еб кетади ёки синдиришади, эндигина гуркираб ўса бошлаган кўчат кўчирилиб, ариқ қазилади. Аслида ҳар қандай дарахтнинг бошқа жойга кўчирилиши табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори ҳам бор.

Бир литр тетроэтилен бензин ёниши жараёнида ҳавога 200-400 мг қўрғошин ажраб чиқади. Емҳашак таркибидаги 100 мг/кг қўрғошин ҳайвонларни ўлимга олиб бориши мумкин. ЎзМУнинг «Ботаника боғи» мутахассислари олиб борган тажрибалар шуни кўрсатадики, катта йўл четида экилган, ҳаттоки қобиғи қаттиқ бўлган ёнғоқ мағзида ҳам заҳарли бирикмалар миқдори белгиланганидан 5-10 баробар кўп топилган. Бундан ташқари, катта йўллардан ҳар хил юклар, заҳарли дорилар кўпинча усти очиқ машиналарда ташилади, булар ҳам ўз навбатида меваларга зарар етказади.

Саноати ривожланган шаҳарларда, саноат корхоналари атрофида ҳам мевали дарахт экиш урфга айланиб қолди. Завод ва фабрикалардан чиққан заҳарли чанглар тўғридан-тўғри ҳосил таркибига сингиб, уни заҳарлайди. Биз мевали кўчатлар экилишига қарши эмасмиз, фақат уларни ўз жойида экиш лозим. Хусусан, катта саноат корхоналаридан 500-1000 метр узоқликда дала четларига ва бошқа шунга ўхшаш жойларга эккан маъқул.

Минтақамиз кучли шамоллар бўладиган зонада жойлашган. Кучли шамоллар тупроқнинг устки, гумусли қатламини учириб кетади, яъни шамол эрозияси содир бўлади. Бунинг олдини олиш учун ихотазорлар ташкил қилиш лозим. Фикримизча, нуфузли комиссия тузилиб, барча ихотазорлар қайтадан рўйхатдан ўтказилиб, ерни бекорга эгаллаб ётганлари ўрнига янгидан дарахтлар эктирилиши керак. Кейинги йилларда буғдойлар пайҳон этилишининг олдини олиш учун қўрғонлар қилиш анъанага айланди. Бу яхши албатта. Хусусан, Бекобод тумани Улуғбек номли жамоа хўжалигида қўрғонлар юксак дид билан қилинган. Лекин кўп жойларда қўрғон қиламан деб, ўсиб турган дарахтларни кесиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Хўжалик раҳбарлари ва фермерлар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари билан келишилган ҳолда махсус далолатномалар тузиб, қуриган дарахтлардангина фойдалансалар маъқул иш бўларди.

Бир мутахассис сифатида туманимиз, вилоятимизда саноат корхоналари ва катта йўллар атрофига манзарали дарахтлар экишни, қолган барча ерларга эса кўпроқ мевали дарахтлар экиб, халқимизга экологик тоза маҳсулотлар етиштириб беришга чақираман. Энг асосийси, ҳар битта экилган кўчатни парваришлаб, уларни тўлиқ кўкаришига эришиш даркор.

**К.МАВЛОНОВ, Бекобод Табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи**

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси Толиб Рауповга акаси **Абдурасул ХОЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314 23456